

Саримсоқ пиёз экстрактларини хайвон организми қон кўрсаткичларига таъсирини аниқлаш

С.Салибаева, М.С.Хакимова, Х.Н.Мусаев

Тошкент фармацевтика институти, Тошкент ш., Ўзбекистон Республикаси.

Ишнинг мақсади: ҳозирги кунда экология ҳамда турли ташқи омилларнинг таъсири организм сезувчанлигини ошишига сабаб бўлмоқда. Ҳаётимизнинг кимёлашуви ҳам асосий омиллардан биридир. Организмга сунъий кимёвий дори воситаларидан кўра, табиий хом – ашёдан тайёрланган дори воситаларидан кенг фойдаланиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Шу сабабдан ҳозирги вақтда табиий хом – ашёдан тайёрланган дори воситаларига талаб ошмоқда. Мақсадимиз табиий доривор ўсимликлардан тайёрланган препаратларни хайвон организмнинг қон кўрсаткичларига таъсирини ўрганиш. Шунинг учун адаптоген модда табиий хом – ашёдан бўлган саримсоқ пиёз экстрактларини қон параметрига таъсирини ўрганишни мақсад қилиб қўйдик.

Усуллар: тажриба учун 30 та 180 – 200 граммли оқ лаборатория каламушлари олинди. Ҳайвонларни 4 та гуруҳга ажратилиб, ҳар бир гуруҳга 7 тадан қўйилди. Биринчи гуруҳ контрол (назорат гуруҳи) бўлди. Саримсоқ пиёз 2 хил яъни сувли ва спиртли экстрактларидан 1 ой мобайнида тана вазнига нисбатан фармакологик дозаларда $per os$ (оғиз орқали) ичириб турилди. Тажрибанинг ҳар 10 кунлигида каламушларнинг қони олиниб, қонда гемоглабин миқдори ва ивиш вақти аниқлаб борилди. Қондаги гемоглабин миқдори Сали гемометри ёрдамида аниқланди. Қоннинг ивиш вақти эса Мирвони усули бўйича текширилди.

Натижалар: биринчи ўн кунликда каламушлар қон кўрсаткичларида ўзгаришлар аниқланмади. Учинчи ва тўртинчи ўн кунликда эса қондаги гемоглабин миқдори нисбатан ошганлиги аниқланди. Қоннинг ивиш вақти эса назорат гуруҳига нисбатан узайганлиги кузатилди. Яъни меъёردаги нисбатан ўртача $1,2^{1\pm 0,2}$ ўрнига, $1,5^{1\pm 0,2}$ ни ташкил қилди. Бу натижа айниқса спиртли экстракт ичган каламушларга нисбатан саримсоқ пиёз сувли экстрактини ичган каламушларда яққол кузатилди.

Хулосалар: саримсоқ пиёз экстрактлари қондаги гемоглабин миқдорини оширади. Қоннинг ивиш вақтини эса узайтиради. Бу натижалар саримсоқ пиёз сувли экстрактини ичган каламушларда кузатилди. Олинган натижалар саримсоқ пиёз экстрактини атеросклероз, апсия, тромбофлит, инфаркт ва инсулт касалликларида қўллаш мумкинлигини яна бир бор тасдиқлади.